

## Қўллаш бўйича йўриқнома

**Савдо номи:**  
Айлинда

**Таъсир этувчи модда (ХНН):**  
Гипромеллоза

**Чиқарилиш шакли:** кўз томчилари

**Таркиби:**

10 мл куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:*

Гипромеллоза (100%) – 30 мг

*ёрдамчи моддалар:*

натрий хлориди, калий хлориди, борат кислотаси, гидратланган натрий перборати, пента диэтилен триамин (метилен фосфон кислотаси) (ДТПМФК), хлорид кислотаси, инъекция учун сув.

**Таърифи:**

Стерил, рангсиз ёки оч-сарик рангли суюқлик, 0,3% гипромеллоза сақловчи бироз гипотоник сувли эритма.

**Қўлланилиши**

Айлинда кўзларда экологик таъсирловчилар туфайли келиб чиқадиган ёки офтальмологик жарроҳлик амалиётлари жараёнида кузатиладиган кўзларда қуруқлик, чарчоқ ёки дискомфорт ҳисси юзага келганда қўлланилади. Гипромеллоза вискозозластик бирикма бўлиб ҳисобланади. Шох парда эпителийси протектори сифатида қўлланилади, кўз ёши секрецияси камайганида мойловчи, юмшатовчи таъсир кўрсатади. Айлиндани барча турдаги контакт линзалар билан биргаликда қўллаш мумкин.

**Қўллаш усули**

Бошингизни орқага эгинг ва пастки қовоқни эҳтиёткорлик билан пастга тортинг. Эритмадан ҳар бир кўзнинг конъюнктивал қопчасига 1-2 томчи томизинг ва кўзингизни бир неча марта очиб-юминг. Қоплоқ томчилагичнинг учини кўзга теккизиш мумкин эмас.

Айлиндани кунига неча марта керак бўлса, шунча марта қўллаш мумкин.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолат**

Агар Сизда препаратнинг компонентларига нисбатан юқори сезувчанлик бўлса препаратни қўлланманг.

**Махсус кўрсатмалар**

- Қўллашдан олдин флаконни ҳимоялаш учун халқанинг шикастанмаганига ишонч ҳосил қилинг. Шикастланган ҳолатида – ишлатманг.
- Кўз томчисининг ичидагисини флакон биринчи марта очилганидан кейин 28 кун ўтганидан сўнг ишлатманг.
- Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланманг.
- Агар бир неча турдаги кўз томчи дорилари бир вақтда буюрилган бўлса, уларни томизиш орасидаги интервал 5 минутдан кам бўлмаслиги керак. Айлиндани охирида томизиш керак.
- Фойдалангандан сўнг флаконни ёпинг.
- Оригинал ўрамида сақланг.
- Препаратга микроблар тушмаслиги учун флаконни кўзга ёки атрофдаги структураларга теккизмаслик керак.
- Кесишувчи зарарланишни олдини олиш мақсадида флаконларни ишлатманг.

**Огоҳлантириш**

Агар кўзингизда дискомфорт ёки таъсирланиш симптомларини ҳис қилсангиз, препаратни ишлатишни тўхтатинг ва мутахассис – офтальмологга мурожаат қилинг.

**Ножўя таъсирлари**

Бевосита инстилляциядан сўнг кўз олди туманлашиш кузатилиши мумкин. Инстилляциядан сўнг кўзда ачишиш, аллергик реакциялар ва қизаришлар пайдо бўлиши ҳақида кам хабарлар олинган. Агар, бирон-бир симптомларни сезсангиз, препаратни ишлатишни тўхтатинг ва мутахассис – офтальмологга мурожаат қилинг.

**Чиқарилиш шакли ва ўрами**

10 мл дан мустахамловчи халқали ҳимояловчи қоплоқ билан беркитилган, томизиш учун махсус аппликатор билан таъминланган пластик флаконда. 1 та флакондан, давлат ва рус тилидаги қўллашга доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган. Оддий маиший чиқиндилар каби утилизация қилинади.

**Сақлаш шароити**

Оригинал ўрамда, 25 С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Музлатилмасин!  
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

**Яроқлилик муддати**

2 йил  
Флакон очилганидан кейин фойдаланиш муддати - 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда 28 кун.  
Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз

**Ишлаб чиқарувчи**

«Balkanpharma-Razgrad AD», Разград, Болгария.  
68, Aprilsko Vastanie Blvd., 7200 Razgrad.

**Савдо белгиси ва руйхатдан ўтказганлик**

**гувоҳномасининг эгаси**

«Belinda Laboratories LLP», Буюк Британия.  
Gary Clark, Art House, Arklow Road, SE14 6 EB, London.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсулотнинг сифати бўйича истеъмолчилардан фикрларни қабул қилувчи ташкилот манзили:**

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ,  
Ойбек кўч, 36, 100015, г. Тошкент, Ўзбекистон  
Тел: +998 71 150 50 81, +998971 150 50 82  
e-mail: ameliyapharm@gmail.com